

«E-OBUNA» Ягона электрон платформаси орқали даврий босма нашрларга обуна уюштириш хизматларини кўрсатиш бўйича оммавий оферта

Мазкур Оммавий оферта Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367–369-моддаларига мувофиқ “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда - Етказиб берувчи) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 294-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 262-сонли қарорига мувофиқ Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича Ягона интегратор UZINFOCOM МЧЖнинг (Кейинги ўринларда – Платформа оператори) обуна маҳсулоти обуна уюштириш хизматларини кўрсатиш бўйича обуна шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи ҳисобланади.

Етказиб берувчи ҳамда Платформа оператори обуна маҳсулоти обуна уюштириш хизматларини кўрсатиш учун фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъекти (кейинги ўринларда - Обуначи) билан муайян хизматларини кўрсатиш ҳақида ушбу оммавий оферта/шартномада кўрсатилган шартларда (доирасида) обуна шартномасини тузади. Обуначи билан тузиладиган обуна маҳсулоти обуна уюштириш хизматларини кўрсатиш бўйича обуна шартномаси (кейинги ўринларда – Обуна шартномаси) мазкур Оммавий офертанинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Етказиб берувчи ҳамда Платформа оператори ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари асосида амалга оширади.

Мазкур Оммавий оферта Интернет тармоғидаги: www.e-obuna.uz Ягона электрон платформасига (кейинги ўринларда – Платформа) жойлаштирилган вақтдан бошлаб кучга киради ва расмий эълон қилинган сайтда унинг бекор қилиниши ҳақида хабар берилгунигача амал қилади.

Етказиб берувчи ҳамда Платформа оператори мазкур Оммавий оферта шартларига ўзгартириш киритиш ҳуқуқини мазкур Оммавий офертада ўрнатилган тартибга мувофиқ, ўзида сақлаб қолади. Мазкур Оммавий оферта шартлари Етказиб берувчи ҳамда Платформа операторига мурожаат этган барча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари учун ягона ҳисобланади.

Мазкур Оммавий оферта Етказиб берувчи, Платформа оператори ва Обуначилар ўртасида тузилган шартнома (келишув) асосида тақдим этиладиган обуна маҳсулоти обуна уюштириш хизматларини ташкил қилиш, шунингдек, хизматларни кўрсатиш тартиби, шартлари ҳамда субъектларнинг жавобгарлиги, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

1. АТАМАЛАР ВА ИЗОҲЛАР

1.1. Ушбу оферта/шартномада қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

Обуна маҳсулоти обуна уюштириш – даврий босма нашрларга обуна уюштириш ва обуначи кўрсатган манзил бўйича етказиб бериш.

Обуна каталоги – Ўзбекистон Республикасида чоп этиладиган даврий босма нашрлар номларининг белгиланган тартибда тузилган рўйхати.

Обуначи – даврий босма нашрларга обуна бўлган жисмоний шахс.

Етказиб берувчи (тарқатувчи) – даврий босма нашрлари таҳририяти билан шартномага кўра даврий босма нашрларини обуна бўйича тарқатиш хизматларини кўрсатувчи юридик шахс.

Платформа оператори - даврий босма нашрлари таҳририяти билан шартномага кўра даврий босма нашрларини обуна бўйича тарқатиш хизматларини кўрсатувчи ҳамда электрон платформани узлуксиз ишлашига ва мазкур платформадаги муммоларни бартараф этувчи юридик шахс.

Платформа – даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига масофадан туриб электрон тарзда обунани ташкил этиш учун ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси,

бошқа тегишли вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари, шуниундек, тўлов тизими операторларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашган дастурий таъминот.

1.2. Даврий босма нашрларини тарқатиш уларга обуна бўлишни ташкил қилиш йўли билан амалга оширилади.

2. ОММАВИЙ ОФЕРТА ПРЕДМЕТИ

2.1. Етказиб берувчи, Обуначининг талабига кўра Ўзбекистон Республикасида чоп этиладиган, Обуна каталогига киритилган обуна маҳсулоти (кейинги ўринларда – обуна маҳсулоти) обуна расмийлаштириш ва етказиб бериш мажбуриятини олади, **Обуначи** бўлса товарни қабул қилиш ва ушбу оферта/шартнома шартларида назарда тутилган шартлар ва тартибда обуна маҳсулоти ҳамда етказиб бериш хизмати учун тўлаш мажбуриятини олади.

Ушбу оферта/шартнома доирасида обуна маҳсулоти деганда даврий босма нашрлар - газета, журнал ёки доимий ном, жорий рақамга эга бўлган ва йилига камида бир марта чоп этиладиган бошқа нашр тушунилади.

2.1.1. Интернет орқали обуна жисмоний шахслардан республика даврий босма нашрларига, **www.e-obuna.uz** Ягона электрон платформаси орқали қабул қилинади.

2.1.2. Обуначи интернет-обунани расмийлаштириш учун Платформада жойлаштирилган **“Платформадан фойдаланиш тартиби”** қўлланмасига (кейинги ўринларда – Қўлланма) мувофиқ, Шахсий кабинетга ўтиб, обуна маҳсулотини танлаши ва Платформада сўралган маълумотларни киритиши, обуна даври ва нашр турини танлаши лозим.

Нашр номи танланганда автоматик тарзда обуна бўлиш ойлари катаклари чиқади ва обуначи томонидан обуна бўлиш катаклари белгиланади. Нашрнинг обуна нархи автоматик тарзда чиқади.

Интернет-обуна шакллари обуначи томонидан аниқ (тушунарли) қилиб, қисқартиришларсиз, келтирилган қўлланмасида кўрсатилган шартларга мувофиқ тўлдирилиши лозим.

Барча маълумотлар киритилгандан кейин “Саватга қўшиш” тугмаси босилганда, буюртма “саватча”га қўшилади, шунингдек, ушбу “саватча” га бошқа нашрларни ҳам қўшиш мумкин.

“Саватча” тугмаси босилганда, ушбу босқичда танланган нашрларнинг варақаси экранга чиқади. Обуна буюртмаси шаклланади, тўловни амалга ошириш учун “Тўлов” тугмаси босилади. Тўловлар “Ўзбекистон почтаси” АЖ билан шартнома асосида тўловларни қабул қилувчи ҳисоб-тўлов тизими шунингдек, бошқа босма нашрларнинг газета/журналлари учун бошқа тўлов операторлари тизими орқали амалга оширилади.

2.1.3. Платформа орқали обуна учун тўлов жисмоний шахслардан шахсий банк пластик картаси бўйича ҳисоб-тўлов тизими орқали онлайн амалга оширилади.

2.2. Ушбу оферта/шартнома бўйича товарлар ўлчов бирлиги сифатида календар ой ичида чиқадиган бир обуна маҳсулотининг товарлар партиyasi тушунилади.

2.3. Обуна маҳсулотлари ва хизматларнинг аниқ номи, нархи ва бошқа параметрлари шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган буюртманомага асосан белгиланади. Обуна маҳсулотлари партиясининг нархи ушбу оферта/шартноманинг бутун муддати учун белгиланади ва буюртманомада кўрсатилади.

2.4. Мазкур оферта/шартнома бўйича обуна маҳсулотларини етказиб бериш муддати буюртманомада кўрсатилади.

2.5. Етказиб берувчи обуна маҳсулоти чоп этилган кундан бошлаб товарни «Обуначи»га қисқа вақт ичида етказиб бериш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишни ўз зиммасига олади.

2.6. Оферта/шартнома бўйича ҳисобот даври 1 (бир) календарь ой.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товарни Обуначига шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда етказиб беради.

3.1.2. Обуначига ҳисобот даврида етказиб берилган товар партиялари ва етказиб бериш хизмати учун ўрнатилган тартибда ҳисоб-фактура тақдим қилади.

3.1.3. Товарларни нашриёт томонидан белгиланган чиқиш даврийлигига мувофиқ етказиб беради. Товарларни етказиб бериш Етказиб берувчи томонидан иш кунлари амалга оширилади.

3.1.4. Обуначидан товарни топшириш қабул қилишда миқдори ва сифати бўйича фарқ ҳақида далолатнома тақдим қилинганда, Етказиб берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда “Обуначи”нинг ҳуқуқий талабларини бажаради.

3.1.5. Ҳисобот оғи давомида қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ товарларни ўрнатилган тартибда етказиб берилиши билан боғлиқ Обуначининг талабларини бажаради.

3.1.6. Обуначи томондан нуқсонли ёки яроқсиз товарлар аниқланган тақдирда, почта бўлинмасига мурожаат қилган ҳолда алмаштириб бериш талаб қилинганда, сўров тақдим этилган кундан бошлаб 20 кун ичида амалга оширилади.

3.1.7 Обуначи томонидан Платформа орқали қайта манзиллаганида ўзгартирилган манзил бўйича журнал/газеталарни етказиб бериши лозим.

Қуйидагиларга обунани қайта манзиллаш амалга оширилмайди:

- газеталарга, агар обуна муддати тугашига бир ойдан кам вақт қолган бўлса

- журналларга:

1) йилига 12 ва ундан ортиқ сони чиқадиган журналларга, обуна муддати тугашига икки ойдан кам вақт қолган бўлса;

2) йилига 12 тадан кам сони чиқадиган журналларга, обуна муддати тугашига уч ойдан кам вақт қолган бўлса.

Даврий босма нашрларни янги манзил бўйича етказиб бериш, почта алоқаси объектига обунани қайта манзиллаш тўғрисида ариза берилган кундан бошлаб:

- газеталар бўйича:

1) почта алоқаси объекти (алоқа бўлими) хизмат кўрсатадиган зона доирасида бир етказиб бериш участкасидан бошқа етказиб бериш участкасига – кейинги кундан бошлаб;

2) почта алоқаси объекти (почтамп, почта алоқаси боғламаси) хизмат кўрсатадиган зона доирасидаги бир алоқа бўлимидан бошқа алоқа бўлимига – беш кундан кейин;

3) почта алоқаси объекти (почтамп, почта алоқаси боғламаси) хизмат кўрсатадиган зонадан ташқаридаги етказиб бериш участкасига – кейинги ойдан бошлаб, агар ариза жорий оғнинг 15 санасигача топширилган бўлса;

- журналлар бўйича:

1) йилига 12 ва ундан кам журнал сонлари чиққанда – обуначининг аввалги манзили бўйича етказиб берилган журнал сонидан кейингисидан бошлаб;

2) йилига 12 тадан кўп журнал сони чиққанда – газеталар учун кўзда тутилган муддатларда етказиб берилади.

3.1.8 Обуначи даврий босма нашрларга обунани бекор қилиш (бундан кейин – обунани бекор қилиш) ва олинмаган даврий босма нашрлар қийматини олиш ҳуқуқига эга.

Обуна:

- обуначининг аризасига кўра;

- даврий босма нашрни чоп этиш тўхтатилганда, бекор қилинади.

3.1.8.1 Обуначи обунани бекор қилиш тўғрисидаги аризани даврий босма нашрларни етказиб берувчи почта алоқаси объектига беради.

Обунани бекор қилиш қуйидаги муддатларда:

- обуначи аризани жорий оғнинг бешинчи санасигача тақдим этганда – кейинги оғнинг биринчи санасидан;

- обуначи аризани жорий ойнинг бешинчи санасидан кейин тақдим этганда – кейинги ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан амалга оширилади.

3.1.8.2 Обуна бекор қилинганда, олинмаган даврий босма нашрлар қиймати обуначига обунани қабул қилган почта алоқаси объекти (почтамт, почта алоқаси боғламаси) томонидан:

- обуначининг обунани бекор қилиш тўғрисидаги аризасига кўра, ариза берилган кундан бошлаб беш кун ичида;

- даврий босма нашр чоп этилиши тўхтатилганда – тахририятдан маълумот олинган кундан бошлаб бир ой ичида қайтарилади.

3.2. Етказиб берувчининг ҳуқуқлари:

3.2.1. Ушбу оферта/шартнома бўйича ўз мажбуриятларини сифатли бажариш учун шартнома билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот ва бошқа маълумотларни Обуначидан оғзаки ёки ёзма кўринишда олади.

3.3. Обуначининг мажбуриятлари:

3.3.1. Етказиб берилган товарни қабул қилиш ёки қабул қилишдан бош тортиши сабабларини 2 кун ичида ёзма асослайди.

3.3.2. Ушбу оферта/шартнома шартларига мувофиқ товар ва етказиб бериш хизматлари учун тўловни амалга оширади.

3.3.3. Агар товар Обуначининг почта қутисига етказиб берилиши лозим бўлса Етказиб берувчига Обуначи почта қутисининг рақами ва жойлашган жойини маълум қилинади.

3.4. Обуначининг ҳуқуқлари:

3.4.1. Товарларни олгандан сўнг, нуқсонлар аниқланганда ўзининг хоҳишига кўра куйидагилардан бирини талаб қилади:

- буюртманинг нархини нуқсонли товар нархига мутаносиб равишда камайтириш;

- худди шундай, лекин нуқсонсиз товар билан алмаштириш;

- нуқсонли товар учун тўланган маблағларни қайтариб олиш;

3.4.3. Мазкур оферта/шартноманинг 3.4.1-бандида белгиланган талаблар Обуначининг тегишли талабномаси берилган кундан бошлаб 20 кундан кечиктирмай бажарилади.

3.4.4. Товарлар етказиб берилмаган тақдирда, Обуначи куйидагилардан бирини танлаш ҳуқуқига эга:

- янги етказиб бериш санасини белгилаш;

- нуқсонли товар учун тўланган маблағларни қайтариб олишни талаб қилиш.

Бу талаблар Обуначининг тегишли талабномаси берилган кундан бошлаб 20 кундан кечиктирмай бажарилади.

3.4.5. Обуначи томонидан Платформаси орқали газета/журналларни етказиб бериш жойини 3.1.7-бандидаги талабларга асосан қайта манзиллаш ҳуқуқига эга.

3.4.6. Обуначи газета/журналлар учун бўлган обунани 3.1.8- бандидаги талабларга асосан бекор қилиш ҳуқуқига эга.

3.5 Платформа операторининг мажбуриятлари:

3.5.1. Платформанининг узлуксиз ишлаб туришини 2026 йил 1 январга қадар таъминлаш;

3.5.2. Платформадаги учраган техник муаммоларни ҳал этиш;

3.5.3. Обуначиларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 294-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 262-сонли қарорларида келтирилган нашр йўналишлари бўйича кешбекларни обуначиларга қайтариш;

3.5.4. Босма нашрларнинг тақдим этган Газета журналлар тўғрисидаги маълумотларни Платформага жойлаш ва кераксиз бўлган ҳамда актуаллигини йўқотган маълумотларни Босма нашрлар талабига асосан ўчириш;

3.6 Платформа операторининг ҳуқуқлари:

3.6.2. Платформа оператори обуначиларнинг босма нашрларга обуна бўлганидан кейин уни етказиб беришга, обуначига ҳисобот беришга, Газета/журналларнинг бутлигига ва бошқа ташкилий масалаларга жавобгар ҳисобланмайди.

4. ШАРТНОМА НАРХИ, ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

4.1. Оферта/шартноманинг умумий суммаси Обуначи тақдим этган буюртманомага мувофиқ белгиланади.

4.2. Товар нархи ва етказиб бериш хизмати Етказиб берувчи томонидан белгиланади ва буюртманомада кўрсатилади ҳамда ушбу шартноманинг амал қилиш даврида ўзгартирилмайди.

4.3. Обуначи, Етказиб берувчига тўловларни қуйидаги тартибда амалга оширади:

- ушбу шартноманинг 100% миқдоридagi аванс Платформа орқали банк пластик картасини киритади ва тўловни амалга оширади. Тўлов амалга оширилгандан кейин ушбу шартнома тузилган ҳисобланади ва тўлов қилинганлиги тўғрисида чек тақдим этилади ва уни кўчириб олиш имкони бўлади.

4.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 26 июндаги 262-сон Қарорига мувофиқ Платформа орқали даврий босма нашрларга обуна харажатларнинг бир қисмини қайтариш қуйидаги миқдорларда амалга оширилади, реклама хусусиятига эга бўлган ва қуйида келтирилмаган даврий босма нашрлар бундан мустасно:

- ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ҳуқуқий, илмий-оммабоп даврий босма нашрлар – обуна нархининг 10 фоиз миқдори;

- болалар учун мўлжалланган даврий босма нашрлар – обуна нархининг 20 фоиз миқдори.

Обуначи томонидан харид қилинган Газет/Журналларнинг нархидан бир қисми тўлови Платформа эгаси томонидан белгиланадиган банк орқали чек рўйхатдан ўтказилгандан сўнг обуначининг банк карталарига бир ой муддатда ўтказиб берилади (қайтарилади).

Ваколатли банк Обуначига қайтариладиган кешбек суммасининг 1 фоизи миқдорида хизмат ҳақи (комиссия) олади.

4.5. Даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисмини қайтариш фақат мазкур Офертанинг 4.4 бандида келтирилган маҳсулотлар учун қўлланилади.

4.6. Платформа орқали даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисмини қайтариш бўйича ҳисоб-китоб даври бир ой этиб белгиланади. Бунда, обуначи даврий босма нашрларга бир ойдан кўп муддатга обуна бўлган тақдирда, обуна муддати тугагунга қадар, ҳисоб-китоб ҳар ойда амалга оширилади.

4.7. Бекор қилинган обуна буюртмаси учун маблағлар обунани бекор қилиш бўйича сўров юборилган кундан бошлаб 10 иш куни ичида даврий босма нашр таҳририятлари, ноширлик ва матбаа ташкилотлари томонидан обуначининг банк картасига ёки электрон ҳамёнга (кошелёк) қайтарилади ёхуд тўловчининг тижорат банкидаги жорий ҳисобварағига ўтказилади. Маблағларни жорий ҳисобвараққа ўтказишда ариза банк реквизитлари кўрсатилади ва маблағ қайтарилганлиги обуначининг тизимдаги шахсий кабинетда ҳисобвараққа юборилган чек орқали тасдиқланади.

4.8. Мазкур Офертанинг даврий босма нашрларга обуна харажатларининг бир қисмини қайтариш билан бўғлиқ қоидалар 2026 йил 1 январга қадар амал қилади.

5. ОБУНА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Обуна маҳсулотларини Етказиб берувчининг ҳудудий (таркибий) корхоналари (бўлинмалари) томонидан оферта/шартномага асосан қуйидаги манзиллардан бири бўйича етказиб берилади:

- Обуначи тақдим этган манзилга, агар ушбу манзилда обуначи томонидан қабул қилиб олувчи мавжуд бўлмаса, товарлар ушбу кўрсатилган манзилдаги бинода жойлашган почта қутисига ёки кириш эшиги олдида қолдирилади.

- Обуначи ўзи олиб кетиш шарт билан Обуначи манзилга хизмат кўрсатувчи алоқа бўлимига.

5.2. Товарни етказиб бериш усули Обуначи томонидан шартнома тузилган вақтда белгиланади ва буюртманомада кўрсатилади.

5.3. Товарни етказиб бериш Етказиб берувчи томонидан ёки Етказиб берувчи номидан учинчи шахслар томонидан амалга оширилади. Танланган етказиб бериш усули бўйича етказиб бериш харажатлари товар баҳосига киритилади.

5.4. Етказиб берувчи товарни нашриётдан ёки товар чиқарадиган бошқа шахсдан олинган пайтдан бошлаб обуна маҳсулотларининг чоп этилиш частотасини ҳисобга олган ҳолда “Обуначи”га етказиб беради.

5.5. Икки иш куни ичида Обуначи, Етказиб берувчи томонидан юритилган ҳужжатларини кўриб чиқади ва етказиб берилган товарлар миқдори бўйича эътироз бўлмаса, ўрнатилган тартибда расмийлаштиради ва Етказиб берувчига қайтаради. Етказиб берилган товарнинг миқдори ёки сифатига эътироз бўлса, Обуначи ҳужжатларга имзо чекишдан бош тортишга ва аниқланган номутаносибликлар тўғрисида далолатнома тузишга ҳақли. Агар Обуначидан белгиланган муддатда асосли эътирозлар олинмаса, ҳисобот ойки учун маҳсулот Обуначи томонидан изоҳсиз қабул қилинган деб ҳисобланади.

5.8. Агар Обуначи белгиланган муддатда Етказиб берувчига ёзма талабнома тақдим қилмаган бўлса, Етказиб берувчи томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни имзолашдан бош тортишга ҳақли эмас.

6. МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА ҚАДОҚЛАШ

6.1. Маҳсулот етказиб бериладиган қадоқлаш маҳсулоти ишлаб чиқарувчи нашриёт томонидан белгиланади ва амалга оширилади.

6.2. Томонлар Обуначига топширилган товардан мақсадга мувофиқ фойдалана олмасликка олиб келган яққол нуқсонларга эга бўлган ҳолларни товарларни қадоқлаш шартлари бузилиши деб ҳисоблашга келишиб оладилар.

7. МАҲФИЙЛИК

7.1. Тарафлар битимни бажариш чоғида муайян ахборотнинг махфий хусусиятини бошқа томонга мажбурий хабардор қилган ҳолда бир томонлама аниқлашга ҳақли.

7.2. Тарафлар бошқа тарафнинг олдиндан ёзма розилигисиз бошқа тарафнинг келишувига биноан олинган маълумотларни ошкор қилмаслиги, учинчи шахсларга ўтказиши ёки ўз мақсадлари учун фойдаланиши мумкин эмас.

7.3. Махфий деб таснифланган вақтда у аллақачон учинчи шахслар ёки оммавий ахборот воситалари томонидан тарқатилган ёки очикланган тақдирда, томонлар жавобгар бўлмайди.

7.4. Ушбу бўлимда белгиланган шартлар шартнома муддати давомида ҳам, келишув бекор қилинган кундан бошлаб 3 (уч) йил мобайнида ҳам томонлар учун ҳар қандай сабабга кўра мажбурийдир.

7.5. Платформа Маъмурияти фойдаланувчи паролни йўқотиб қўйган ёки бу маълумотни била туриб ошкор қилган тақдирда учинчи шахсларнинг Қайд ёзувига рұхсатсиз кириши учун жавобгар эмас. Фойдаланувчи ўз логин ва паролнинг хавфсизлиги учун мустақил жавобгар бўлади ва уларни учинчи шахсларга ўтказиш ёки тақдим этишга ҳақли эмас. Платформада Фойдаланувчига тегишли фойдаланувчи номи ва паролдан фойдаланган ҳолда бажарилган барча ҳаракатлар Фойдаланувчи томонидан бажарилган ҳисобланади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Томонлар ушбу оферта/шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва ушбу шартномага мувофиқ жавобгардирлар.

8.2. Етказиб берувчи обуна маҳсулотларини чиқиши тўхтатилиши ёки вақтинча тўхтатиб турилиши, кечикиши, шунингдек тахририят томонидан бир томонлама обуна маҳсулотларининг чиқиш даврийлиги ўзгарганлиги, белгиланган муддатда чиқарилмаслиги ва сони ёки сифат таснифлари ўзгартирилганлиги билан боғлиқ мажбуриятларни бажариш имконсиз ҳолларда жавобгар эмас.

8.3. Етказиб берувчи товарнинг мазмуни, шакли ёки бошқа мазмуни учун “Обуначи” олдида жавобгар эмас.

8.4. Товар параметрлари (шакл, мазмун, обуна маҳсулотларининг чиқиш даврийлиги ёки маҳсулот чиқаришни кечиктириш) ўзгарганда, Обуначи бевосита тахририятга ёки обуна маҳсулотларини чиқараётган шахсга даъво қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи, Обуначининг обуна маҳсулотлари олинмаганлиги ёки тўлиқ олмаганлиги учун жавобгардир ва 20 кун ичида Обуначи томонидан қабул қилинмаган маҳсулотни етказиб бериш бўйича “Обуначи”нинг ҳуқуқий талабларини бартараф этади.

8.6. Ушбу оферта/шартноманинг 7.6-бандига мувофиқ Етказиб берувчининг товар етказиб бериш талабларини бузганлиги билан боғлиқ даъволари Обуначи томонидан товар етказиб берилган 20 кун ичида тақдим этилиши керак. Бундай даъволар бўлмаган тақдирда, Етказиб берувчи, Обуначининг ҳисобот даврида товар етказиб бериш тартибини бузиш билан боғлиқ даъволарини қабул қилмайди ва жавобгарликдан озод қилинади.

8.7. Тўлов шартлари, шу жумладан, аванс тўловини ушбу шартнома доирасида амалга оширмаганлик учун Обуначи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

8.8. Агар томонлардан бири ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги иккинчи томоннинг айби туфайли содир этилганлигини исботласа, жавобгарликдан озод этилади.

8.9. Обуначи томонидан нашрларни етказиб бериш манзиллари, телефон рақами нотўғри кўрсатилган бўлса, етказиб берилмаган нашрлар учун Етказиб берувчи жавобгар бўлмайди.

8.10. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда томонлар, уларнинг филиаллари, ходимлари ҳамда воситачиларида тўғридан-тўғри ёки билвосита коррупция аломатлари кузатилиши, тижорий коррупция, мансаб мавқеидан фойдаланиш, шунингдек ҳуқуқни бузувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик мажбуриятини оладилар.

8.11. Агар шартнома бўйича бир Тараф ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

Ишонч телефони: 71 233 0834, Электрон почта: info.matbuot@pochta.uz

9. ОММАВИЙ ОФЕРТА МУДДАТИ. УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

9.1. Оферта/шартномага ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишда киритилиб, тарафларнинг тегишлича ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади. Бу ҳолда тарафларнинг ваколатли вакиллари тегишли тарафнинг Устави (бошқа таъсис ҳужжати) асосида ҳаракат қилувчи шахслар, шунингдек ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида ҳаракат қилувчи шахслар ҳисобланади.

9.2. Томонлар оферта/шартномани (шартномани бажариш) бутунлай бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

9.3. Тарафлар шартномадан қисман бир томонлама воз кечишга (шартномани бажаришга) ҳақли эмас.

9.4. Томонлар келишувни имзолагандан сўнг, у бўйича барча дастлабки музокаралар, ёзишмалар ва дастлабки келишувлар юридик кучга эга бўлмайди.

10. БОШҚА ҚОИДА ВА ШАРТЛАР

12.1. Ушбу Оммавий оферта/Шартнома Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқарилади ва шарҳланади. Шартномада кўрсатилмаган муносабатларда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосланади.

12.2. Мазкур Оммавий оферта Платформада ёки ОАВда эълон қилинган кундан бошлаб, 5 (беш) кун ўтганидан сўнг, кучга киради.